«UZREPORT» AXBOROT AGENTLIGI
Маъсулияти чекланган жамияти
Таъсисчиларининг 2013 йил 28 ноябрдаги
умумий мажлиси 11/11 сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

# «UZREPORT»
## AXBOROT AGENTLIGI
Маъсулияти чекланган жамияти

# УСТАВИ
**(Янги тахрир)**

Тошкент-2013

## 1-МОДДАУМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Маъсулияти чекланган хамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисидаги» қонунга асосан ишлаб чиқилган ва **«UZREPORT»** AXBOROT AGENTLIGI Маъсулияти чекланган жамиятини қайта ташкил этиш, тугатиш, шунингдек, жамият Таъсисчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари сохасидаги муносабатларни тартибга солади.

**«UZREPORT»** AXBOROT AGENTLIGI Маъсулияти чекланган жамияти аввал Тошкент шахри, Учтепа тумани Хокимияти Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси томонидан 2013 йил 20 майда, реестрдаги тартиб раками №002014-01 билан кайта давлат руйхатига олинган.

1.1. Давлат тилидаги тўлиқ компания номи: **«UZREPORT»** AXBOROT AGENTLIGI Маъсулияти чекланган жамияти;

Давлат тилидаги қисқартирилган компания номи: **«UZREPORT»** AXBOROT AGENTLIGI МЧЖ;

Рус тилидаги тўлиқ компания номи: Общество с ограниченной ответственностью Информационное агентсво «UZREPORT»;

Рус тилидаги қисқартирилган компания номи: ООО ИА **«UZREPORT».**
Инглиз тилидаги тўлиқ компания номи: **«UZREPORT»** Information Agency Limited Liability Company.
Инглиз тилидаги қисқартирилган компания номи: **«UZREPORT»** IA LLC.

1.2. **«UZREPORT»** AXBOROT AGENTLIGI Маъсулияти чекланган жамияти бундан буён «ЖАМИЯТ» деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосланиб қайта таъсис этилган.

ЖАМИЯТ жойлашган почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри – 100117, Учтепа тумани, 1-Гулистон кўчаси, 29 - уй.

1.3. ЖАМИЯТ юридик шахс бўлиб, ўзининг жойлашган худуди кўрсатилган, фирма номи тўлиқ давлат тилида ёзилган думолоқ мухрига эга.

1.4. ЖАМИЯТ ўз товар белгиси туширилган, фирма номи ўзбек ва рус тилида тўлиқ ёзилган бурчак белгиси ва фирма бланкасига эга.

1.5. ЖАМИЯТ ўз балансида кўрсатиладиган шахсий мулкига эгадир. ЖАМИЯТ ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларни олиши ва мажбуриятларни бажариши, судда, хакамликда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. ЖАМИЯТ ўз Таъсисчилари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. ЖАМИЯТ Таъсисчилари қўшган хиссалари доирасида жавобгардир.

1.7. ЖАМИЯТ Таъсисчилари ўзлари қўшган бадал ҳисобида жавобгардирлар. Бадални тўлиқ тўламаган Таъсисчи Устав фондида кўрсатилган бадал ҳисобида жавобгар.

1.8. Ўзбекистон Республикаси ЖАМИЯТ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. ЖАМИЯТ Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. ЖАМИЯТнинг фаолияти «Маъсулияти чекланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар ҳақидаги», «Тадбиркорлик фаолиятини химоялаш» тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонунларига, хамда ЖАМИЯТ УСТАВИга асосланиб олиб борилади.

1.9. ЖАМИЯТ фаолияти чекланмаган.

## **2-МОДДА.** ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан давлат корхоналари, жамиятлар, ширкатлар, бошқа турдаги корхона ва Халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, чет эллик юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар, жамият Таъсисчилари бўлиши мумкин.

2.2. ЖАМИЯТ Таъсисчилари (Иштирокчилари):

| | |
|---|---|
| «SAIPRO AXBOROT REYTING AGENTLIGI» **Маъсулияти чекланган жамияти** | Тошкент шахри, Учтепа тумани Хокимяти тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 19-февралдаги №00357301 раками билан 1- Гулистон кўчаси 29-уй манзили бўйича давлат рўйхатига олинган. |

| | |
|---|---|
| Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ASKO-VOSTOK» суғурта компанияси | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 28-декабрдаги № 534 сонли қарори билан Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Туроб Тула кўчаси 1-уй манзили бўйича кайта давлат рўйхатига олинган. |

## **3-МОДДА.** ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. Жамият - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосланиб таъсис этилган бўлиб, Маъсулияти чекланган жамиятлар учун қонунда кўрсатилган тартибда барча имтиёзлардан фойдаланади.

3.2. Жамиятнинг фаолияти ушбу УСТАВга, ТАЪСИС Шартномасига (агар бир неча таъсисчи ўртасида шартнома тузилса), Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларга асосланиб олиб борилади.

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосланиб давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб, юридик шахс мақомини олади.

3.4. Жамият ўз мулки бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олган.

3.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари юзасидан мажбуриятни ўз зиммасига олмаган ва Ўзбекистон Республикаси Жамият мажбуриятлари юзасидан мажбуриятни ўз зиммасига олмаган.

3.6. Жамият - Иштирокчилар мажбуриятлари юзасидан мажбуриятни ўз зиммасига олмаган. Иштирокчилар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзлари қўшган улуш қиймати миқдорида жавобгардирлар. Иштирокчилар улар томонидан киритилган омонатлар қиймати бўйича Жамият фаолияти билан боғлиқ зарар кўриш хавфига эга бўлади.

## **4 -МОДДА.** ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

4.1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, хуқуқий сохаларда бўлиб ўтаётган ислохотлар ҳамда янгиликларни кузатиш, ўрганиш ва объектив ёритиш, чет эл сармояларини Республикамиз иқтисодиётига жалб этишга информацион кўмаклашиш, Жамиятнинг асосий мақсад ва вазифасидир.

4.2. Жамиятнинг йўналишлари ва мақсадлари қуйидагилардир:

**-Интернет ресурслари орқали информацион маълумот ва реклама хизматларини кўрсатиш;**

- ахборот, маълумот-маслахат хизматлари кўрсатиш, ахборотларни сотиш ҳамда сотиб олиш;
- телекўрсатувлар, телереклама роликлари ва телеинтервьюлар, ахборот тахлилий дастурларини тайёрлаш;
- телеканаллар орқали жамият томонидан тайёрланган телекўрсатувлар, телереклама роликлари, телеинтервьюлар ва ахборот тахлилий дастурларини эфирга узатиш;
- регионларда бизнес ахборот информацион маълумотлар тизимини яратиш;
- дунё ахборот ва реклама – савдо тармоқлари билан хамкорлик қилиш;
- Республиканинг иқтисодий-молиявий имкониятларини ёритувчи махсус каталог ва ахборот тизимларини яратиш;
- янги технологик жараёнлар, НОУ-ХАУ, ихтиролар ва бошқа техникавий ишланмаларни жорий этиш;

4.3. Жамият юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш ва ўз фаолиятини амалга ошириш учун, агар мақбул деб ҳисобласа:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида рухсат берилган даражада Жамият фаолияти учун талаб қилинадиган товарлар, хизматлар, асбоб-ускуналар ва материаллар импорти ва экспортини амалга оширади;
-Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Жамият мол-мулки ва активларини тўлиқ ёки қисман гаровга қўйиши, сотиши, ижарага бериши ва бошқа усулда тасарруф этиши мумкин;
- юридик ва жисмоний шахслар билан контрактлар ва шартномаларни мустақил тузади ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади, ўз зиммасига мажбуриятлар олади;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Жамият қимматли қоғозлар чиқариши, сотиши, сотиб олиши мумкин;
- Жамият қонун доирасида кредитлар олишга хақли;
- давлат идоралари, шахслар, корпорациялар, хукумат корпорациялари ҳамда хусусий шахслар билан музокаралар олиб боради, буюртмалар олади, махсулотни ишлаб чиқади, сотади, алмаштиради ёки уларда қатнашади, контрактлар тузади;
- кўрсатиладиган хизматларга (етказиб бериладиган махсулотларга) нархларни мустақил белгилайди;

- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида кўчар ва кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни тузади ва бажаради;

4.4. Жамият юқорида айтилган фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, хамда Жамият Уставига зид келмайдиган бошқа хар қандай қонуний фаолият билан шуғулланиши мумкин.

4.5. Жамият лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари билан давлат органларидан тегишли лицензия олинганидан кейин шуғулланади.

## 5-МОДДА. УСТАВ ФОНДИ

5.1. Жамият устав фондининг суммаси **1 000 000 000** (бир миллиард) сўмни ташкил этади.

5.2. Жамият Устав фондининг умумий миқдори иштирокчиларнинг пул ва мулклари ҳисобига қуйидагича ташкил топган:

***«SAIPRO AXBOROT REYTING AGENTLIGI» МЧЖ - 70% ёки 700 000 000 (етти юз миллион) сум.***
***«ASKO-VOSTOK» МЧЖ СК - 30% ёки 300 000 000 (уч юз миллион) сум.***

5.3. Жамият устав фондига ўз омонатини тўлаб бўлганидан кейин Иштирокчиларнинг ҳар бири қимматли коғоз бўлмаган ва Иштирокчи омонатининг суммасини тасдиқловчи сертификат олиши керак.

5.4. Иштирокчилар ўзаро келишувларга биноан ва Ўзбекистон Республикасининг «Чекланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисидаги қонунига мувофиқ устав фондининг суммаси ва ўз омонатларининг шаклини ўзгартириш хуқуқига эга бўлади. Агар бошқа нарса тўғрисида ёзма битимга эришилмаган бўлса, Жамият устав фонди суммасининг ҳар қандай кўпайиши ва камайиши Иштирокчилар улушларига мутаносиб ҳолда амалга оширилади. Улушлар тўлиқ тўлангандан кейин Жамият Устав Фондининг кўпайишига йўл қўйилади.

## 6-МОДДА. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

6.1. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши Жамият бошқармасининг юқори органи ҳисобланади. Улар Иштирокчилар ёки тегишли равишда уларнинг вакилларидан иборат бўлади.

6.2. Бош Директор бошчилиги дирекция Жамиятнинг ижро органи ҳисобланади.

6.3. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши Жамият маҳсулотлари ва улар бўйича Низомни ишлаб чиқиши ва жорий этиши лозим бўлган доимий амал қилувчи қўмитани тузади. Шунингдек, қўмита ва шахсий таркибга оид Низом Бош директор буйруғи билан тасдиқланади.

6.4. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат Тафтиш комиссияси ёки (ва) Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишида тайинланадиган мустақил аудитор томонидан таъминланади. Бош директор ва унинг ўринбосарлари Тафтиш комиссиясининг Иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

## 7-МОДДА. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Иштирокчиларнинг навбатдаги Умумий Йиғилиши камида бир йилда бир марта ўтказилиши керак. Иштирокчиларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамиятнинг тайёр ҳисоботи ва балансини кўриб чиқади ва тасдиклайди, Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, фойдани тақсимлайди ва Жамият умумий йиғилишининг ваколатига кирувчи бошқа масалаларни муҳокама қилади. Зарурат туғилганда Иштирокчилар навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақириши мумкин.

7.2. Йиллик умумий йиғилиш Иштирокчилар ёки Бош Директорнинг қарорига биноан чақирилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш Бош директор, Тафтиш комиссияси ёки исталган бир иштирокчининг талаби бўйича чақирилиши мумкин.

7.3. Жамият ходимлари таркибидаги ва унинг ташқарисидаги экспертлар махсус масалаларни таҳлил қилишда кўмаклашиш учун Иштирокчиларнинг умумий йиғилишига таклиф этилиши мумкин.

7.4. Иштирокчилар умумий йиғилишда ишончнома асосида ўз ваколатларини бошқа Иштирокчи ёки вакилга бериши мумкин. Жамият Иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома қонун талабларига мувофик ҳолда ва нотариал тартибда тасдиқланиши ва зарурат туғилганда, қонунийлаштирилиши керак.

7.5. Иштирокчи исталган вақтда умумий йиғилишдаги ўз вакилини чақириб олиши ва бошқа Иштирокчиларни ёзма хабардор этиш шарти билан бошқасини тайинлаши мумкин.

7.6. Умумий йиғилишда Иштирокчилар Устав Фондида уларнинг улушли иштирокига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

7.7. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган холатда, бундай умумий йиғилиш уни ўтказиш тўғрисида Иштирокчилар хабардор этилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида ўтказилиши керак.

7.8. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши Жамият фаолияти билан боғлиқ исталган масалаларни кўриб чиқиши ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиши мумкин.

7.9. Қуйидаги масалалар Иштирокчилар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқлидир:

7.9.1. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва Жамият шуғулланадиган асосий фаолият турларини белгилаш, шунингдек, тижорат ташкилотларининг бирлашишида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

7.9.2. Жамият Устав Фонди миқдорини ўзгартириш;

7.9.3. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

7.9.4. Жамият Бош директорини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

7.9.5. Жамият Тафтиш Комиссиясининг ваколатларини танлаш ва муддатидан олдин тугатиш;

7.9.6. Йиллик ҳисоботлар ва йиллик балансларни тасдиқлаш;

7.9.7. Жамият Иштирокчилари ўртасида Жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

7.9.8. Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

7.9.9. Жамиятнинг аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш;

7.9.10. Бошқа юридик шахслар, ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

7.9.11. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

7.9.12. Тугатувчи комиссияни тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

7.9.13. Йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

7.9.14. Жамият томонидан облигацияларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

7.9.15. Қонунчиликда назарда тутилган бошқа қарорлар қабул қилиш.

7.10. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида йўл қўйилган даражада Иштирокчилар умумий йиғилишининг ваколатида бўлган масалалардан ташқари ўз ваколатларининг бир қисмини Жамиятнинг Бош директорига бериши мумкин.

7.11. Бош директор Иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказилишига қадар ўттиз кун мобайнида ҳар бир Иштирокчига Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг санаси, вақти ва жойи, шунингдек, таклиф этиладиган кун тартиби кўрсатилган ёзма билдирги юбориши керак.

7.12. Жамиятнинг исталган Иштирокчиси у ўтказилгунига қадар ўттиз кун мобайнида Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши кун тартибига қўшимча масалалар киритиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлидир. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши кун тартибига қўшимча масалалар киритилади.

7.13. Бош Директор Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган қўшимча масалаларни изоҳлашда ўзгартириш киритишга ҳақли эмас. Агар Жамият Иштирокчисининг Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифига биноан, Бош Директор у ўтказилганига қадар ўн кун мобайнида кун тартибига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида Жамиятнинг барча Иштирокчиларини хабардор этиши керак.

7.14. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар Жамият Иштирокчиларига берилиши лозим бўлган ахборотлар ва материалларга қуйидагилар таллуқлидир:

7.14.1. Жамият йиллик ҳисоботи;

7.14.2. Жамиятнинг йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерлик балансларини натижалари бўйича Жамият Тафтиш Комиссияси (ташқи аудитори)нинг хулосаси;

7.14.3. Молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва белгиланган талабларга кўра бухгалтерлик ҳисобларини ўтказиш тартибининг мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик хулосаси;

7.14.4. Жамият Тафтиш комиссияси таркиби ҳамда Жамият Бош директори лавозимига номзод (номзодлар) тўғрисида маълумот;

7.14.5. Таъсис ҳужжатлар ёки Жамият Уставида назарда тутилган бошқа ахборотлар (материаллар).

7.15. Мазкур Уставнинг 7.14-бандида кўрсатилган ахборотлар ва материаллар Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ўттиз кун мобайнида танишиб чиқиш учун Жамиятнинг барча Иштирокчиларига тақдим этилиши керак.

7.16. Мазкур моддада белгиланган Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тартиби бузилган тақдирда, агар унда Жамиятнинг барча Иштирокчилари иштирок этса, бундай Жамият йиғилиши ҳақиқий деб ҳисобланади.

7.17. Мазкур Устав ёки Таъсис ҳужжатларида тартибга солинмаган холатда, Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

7.18. Уставнинг 7.9.3 ва 7.9.11-бандларда кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Уставнинг 7.9.2-бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Жамият Иштирокчиларининг учдан икки қисми овоз берганда қабул қилинади. Улар юзасидан қарорлар Жамият Иштирокчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

7.19. Жамиятнинг Бош Директори Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишининг баёнотини олиб боришни ташкил этади.

7.20. Иштирокчилар умумий йиғилишининг баёнотида Иштирокчилар умумий йиғилишини ўтказиш жойи ва вақти, умумий йиғилишда иштирок этувчи Иштирокчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони, умумий йиғилишнинг раҳбари ва котиби, умумий йиғилишнинг кун тартиби, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз беришнинг якунлари, умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарор кўрсатилади.

7.21. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши баёноти у ўтказилгандан кейин уч кун мобайнида умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

7.22. Мазкур Уставнинг 7-моддасида кўрсатилган масалалар бўйича Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва сиртдан овоз бериш воситасида қарорлар қабул қилиш орқали йиғилиш ўтказмасдан (Жамият Иштирокчиларининг хозир бўлиши йўли билан) қабул қилиниши мумкин. Почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон ёки бошка алокалар воситасида бундай овоз бериш ўтказилиши мумкин.

## **8-МОДДА.** БОШ ДИРЕКТОР

8.1. Жамиятнниг Бош Директори Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқаради. Бош Директор Иштирокчиларнинг умумий йиғилишига ҳисобот беради ва унинг қарори бажарилишини ташкил этади.

8.2. Бош Директор Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишида оддий кўпчилик овоз билан сайланади ва ишдан четлатилади. Бош Директор Жамият фаолияти ва ушбу лавозимда ўз вазифалари ва функцияларини бажариши учун жавобгар ҳисобланади.

8.3. Бош Директор:

8.3.1. Жамиятга умумий раҳбарлик қилади, мамлакат ва хорижда бошқа юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари билан муносабатларда уни бошқаради;

8.3.2. Жамият номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади ва шартнома ва бошқа битимларни имзолайди, шунингдек, уларнинг ижро этилишини таъминлайди;

8.3.3. Ходимлар учун кўрсатма ва штат жадвалини тасдиқлайди;

8.3.4. Буйруқ ва фармойишлар беради, Жамият учун банк ҳисобларини очади;

8.3.5. Бош Директорнинг буйруқлари ва фармойишларига мувофиқ Бош Директор ваколатларининг барчасини ёки бир қисмини амалга оширувчи Бош Директор ўринбосарларини, Ижрочи директорни, ёки бош редакторларни тайинлайди ва вазифасидан озод этади;

8.3.6. Ходимлар билан меҳнат шартномасини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий чора-тадбирларни қўллайди;

8.3.7. Иштирокчилар умумий йиғилиши ваколатига тааллуқли масалалардан ташқари Жамиятнинг ҳар кунлик фаолиятининг исталган бошқа масалалари бўйича қарор қабул қилади;

8.3.8. Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун фойда ва зарарлар тўғрисида йиллик баланс ҳамда ҳисобот тайёрлайди;

8.3.9. Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши учун Жамият фаолиятининг натижалари тўғрисида ярим йиллик ҳисобот тайёрлайди.

8.4. Иштирокчилар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли бўлмаган исталган масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқи Бош Директорга берилган.

## **9-МОДДА.** ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

9.1. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти Тафтиш комиссияси томонидан назорат қилинади.

9.2. Тафтиш комиссияси аъзолари Иштирокчилар умумий йиғилишида иштирокчилар ёки уларнинг вакиллари орасидан уч йилга тайинланади. Жамиятнинг Бош Директори ва унинг ўринбосарлари Тафтиш комиссиясининг аъзолари бўла олмайди.

9.3. Тафтиш Комиссияси барча зарур материаллар, бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатларни текшириш, шунингдек, Жамият мансабдор шахсларидан аниқ масалалар юзасидан изоҳ талаб қилишга ҳақли.

9.4. Тафтиш Комиссияси ўзининг текширув натижаларини Бош Директор ва Иштирокчилар Умумий Йиғилишига топширади. Шунингдек, Тафтиш Комиссияси Жамиятнинг йиллик баланси ҳисоботини тайёрлайди. Бундай ҳисобот йўқ бўлган тақдирда Иштирокчилар Умумий Йиғилиши Жамиятнинг балансини тасдиқлашга ҳақли эмас.

9.5. Тафтиш Комиссияси Жамият манфаатларига жиддий таҳдид солинганда ёки Жамиятнинг мансабдор шахслари томонидан суистеъмол қилиш холатлари аниқланган тақдирда Иштирокчилар Умумий Йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

9.6. Иштирокчилар Умумий Йиғилишининг қарорига мувофиқ Тафтиш Комиссиясига қўшимча равишда мустақил аудитор жалб қилиниши мумкин. Мустақил аудитор Ўзбекистон Республикасида қонуний равишда рўйхатга олинган аудиторлик ташкилоти бўлиши шарт.

## **10-МОДДА.** ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Жамият Иштирокчиларининг мажбуриятлари:

10.1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият Иштирокчиларининг қарорлари, таъсис ҳужжатларининг талабларига асосан Устав фондига тўлиқ равишда ўз улушларини қўшиш;

10.1.2. Устав низомига, Жамият бошқаруви органлари ва Таъсис Шартномаси ҳамда Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши қарорларига амал қилиш;

10.1.3. Жамият фаолияти ҳамда Жамиятнинг тижорат сири билан боғлиқ масалалар бўйича махфийликка амал қилиш;

10.1.4. Жамият фаолиятини ташкил этиш ҳамда унинг мақсадларини амалга оширишга кўмаклашиш;

10.1.5. Юридик мақом ва манзил ўзгарганда зудлик билан Жамиятга ҳабар бериш;

10.2. Жамият Иштирокчиларининг ҳуқуқлари:

10.2.1. Қонунчилик ва Жамиятнинг белгиланган таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш;

10.2.2. Жамият таъсис ҳужжатлари ва қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисида ахборот олиш ва бухгалтерия ҳисоб-китоблари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

10.2.3. Фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

10.2.4. Қонунчилик ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида кайд этилган тартибда Устав фондидаги ўз улушини ёки бир қисмини Жамият Иштирокчиларидан бир ёки бир нечтасига сотиш ёхуд бошқа тартибда бериш;

10.2.5. Қонунчилик ҳамда Жамиятнинг таъсис хужжатларида кўрсатиб ўтилган тартибда, бошқа Иштирокчиларининг розилигидан қатъий назар, исталган вақтда Жамиятдан чиқиш;

10.2.6. Жамият тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китобдан сўнг қолган мулкнинг ўзига тегишли қисмини ёки унинг бахосини олиш.

10.3. Жамиятнинг Устав фондида умумий улушлари 10 фоиздан кам бўлмаган Иштирокчилар ўзининг харакатлари (харакатсизлиги) билан Жамият фаолиятига зарар етказаётган ёки қийинлаштираётган Иштирокчиларни Жамият таркибидан суд орқали чиқарилишини талаб қилишга ҳақли.

10.4. Жамият Иштирокчилари бошқа хуқуқлардан ҳам фойдаланишади, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Таъсис Шартномаси ҳамда Жамиятнинг Уставида назарда тутилган холда жавобгарликка тортиладилар.

## **11- МОДДА.** ИШТИРОКЧИЛАР УЛУШЛАРИНИ БЕРИШ ВА ТАҚСИМЛАШ

11.1. Қонунчилик ҳамда Жамиятнинг таъсис хужжатларида кўрсатиб ўтилган тартибда, бошқа Иштирокчиларининг розилигидан қатъий назар, исталган вақтда Жамиятдан чиқишлари мумкин.

11.2. Жамият Иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ўз улушини (бир қисмини) Жамият Иштирокчиларидан бири ёки бир нечтасига ёки учинчи шахсларга бошқа Иштирокчиларнинг розилиги билан тақсимлаши мумкин.

11.3. Жамият Иштирокчилари Жамиятнинг Устав фондидаги улушларига мос равишда тақсимланаётган улушни (улуш қисмини) харид қилишда имтиёзли хуқуққа эгалар. Агарда Жамият Иштирокчилари ёки Жамият, сотувга қўйилган улушни (улушнинг бир қисмини) сотувга қўйилганлиги эълон қилингандан сўнг бир ой давомида сотиб олиш имтиёзидан фойдаланмасалар, ундай ҳолда ушбу улуш Жамият ва унинг Иштирокчилари хабардор қилинган нархда ҳамда шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

11.4. Жамият Иштирокчилари ўз улушларини (улуш қисмини) Жамиятнинг бошқа Иштирокчилари манфаатлари қондирилгандан сўнг тақсимлашлари мумкин. Бундай холда учинчи шахсга чиқиб кетган Иштирокчининг барча хуқуқ ва мажбуриятлари ўтади.

11.5. Агарда Жамият томонидан Иштирокчининг улуши сотиб олинган тақдирда, ушбу улуш бир йил давомида Жамиятнинг бошқа Иштирокчилари ёки учинчи шахсларга берилиши лозим. Ушбу фойдани тақсимлаш давридаги Жамият Иштирокчиларининг Умумий Йиғилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш Жамият томонидан харид қилинган улушни ҳисобга олмаган тақдирда ўтказилади.

11.6. Жамиятдан чиқиб кетаётган Иштирокчига Жамият мулкининг нархи Иштирокчининг улуш қисмига мос равишда тўлаб берилади, шунингдек, Иштирокчининг чиқиб кетгунига қадар жорий йилда Жамият томонидан харид қилинган ва унга ҳаққи бор мулкнинг бир қисми берилади.

11.7. Жамият Иштирокчисининг қарзлари бўйича Жамият фондидаги улушига (улуш қисмига) кредиторлар томонидан қарзни қоплаш бўйича мурожаат қилиш, фақатгина Жамият Иштирокчиси бошқа мулки билан қоплаш имконияти бўлмаган тақдирда, суд қарори асосида рухсат этилади.

11.8. Иштирокчиларнинг улушларини тақсимлаш ва ажратиш бўйича барча саволлар, шунингдек, ушбу Устав ва Жамиятнинг Таъсис Шартномаси билан хал этилмаган бошқа саволлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида кўриб чиқилади.

## **12-МОДДА.** ЖАМИЯТ ЗАХИРА ФОНДИ

12.1. Жамият Устав фондининг 15% миқдорида захира фонди ташкил этиши мумкин.

12.2. Захира фонди ҳар йилги соф фойдадан ажратма ҳисобига ташкил этилади. Ажратма соф фойданинг 5 % ни ташкил этади. Захира фонди миқдори Ушбу Уставнинг 12.1.да кўрсатилган миқдорга етгунича ҳар йили соф фойдадан ажратма захира фондига ажратилади.

12.3. Захира фонди – фавқулодда харажатларни ва зарарларни қоплаш, Жамият томонидан улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишга ишлатилади.

## **13-МОДДА.** ФОЙДА ВА ЗАРАРНИ ТАҚСИМЛАШ

13.1. Жамият хар йилги соф фойдадан бюджетга мажбурий тўловларни тўлайди, фондларга Уставда кўрсатилган миқдорда маблағ ўтказгач, орттирилган суммани соф даромадга йўналтиради.

13.2. Мажбурий тўловлар ва захира фондидан ортиб қолган соф фойда - Жамият ихтиёридадир. Фойда - Иштирокчилар Умумий мажлиси қарорига биноан Иштирокчилар ўртасида ўз улушларига мос равишда тақсимланади. Умумий мажлис қарорига биноан дивиденд чет мамлакатларга валюта ҳисобида чиқарилиши, хамда Ўзбекистон Республикасида турли кўринишда молиялаштиришга сарфланиши мумкин.

13.3. Жамият фаолияти давомида хосил бўлган зарарларни Захира фонди орқали қопланади. Захира фонди миқдори Уставда белгиланган даражага етгунича 5% ли ажратма қайта тикланади.

13.4. Жамият қуйидаги холатларда фойдани Иштирокчилар ўртасида тақсимлаш хуқуқига эга эмас:

13.4.1.Устав фонди тўлиқ тўланмагунича;

13.4.2.Амалдаги қонунлар ва Ушбу Уставда назарда тутилган холатларда улушнинг хақиқий нархи тўланмагунча;

13.4.3.Агар қарор қабул қилинган вақтда Жамият қонунга асосан банкрот холатида бўлса ёки қарор қабул қилингандан кейин банкрот холати пайдо бўлса;

13.4.4.Агар қарор қабул қилинган вақтда соф активлар нархи Устав ва Захира фонди миқдоридан кам бўлса ёки қарор қабул қилиниши натижасида активлар нархи Устав ва захира фонди миқдоридан камайиб қолса;

13.4.5. Қонунлар кўзда тутган бошқа холатларда;

13.5. 13.4–МОДДАда назарда тутилган холатлар тугаши билан Жамият фойдани Иштирокчиларга умумий мажлис қарорига асосан тўлаб бериши шарт.

## **14-МОДДА.** МОЛИЯВИЙ ЙИЛ

Биринчи молиявий йил Жамият рўйхатга олинган кундан бошланиб 31 декабрда тугайди. Кейинги молия йиллари 1 январдан бошланиб 31 декабрда тугайди.

## **15-МОДДА.** БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТИ

15.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан оператив, бухгалтер ва статистик ҳисоб олиб боради, ҳамда ҳисобот беради.

15.2. 14.1-МОДДАдан ташқари Жамият Иштирокчилар учун қулай шаклда ҳисоб олиб бориши, ҳисобот бериши мумкин.
15.3. Жамият Умумий мажлисга ва Иштирокчиларга ўзининг молиявий фаолияти, фойда ва зарар ҳақида тўлиқ ҳисобот (тушунтириш) беради.
15.4. Иштирокчиларнинг Умумий мажлиси эътиборига йиллик ҳисобот ҳамда баланс ҳисоботи тақдим этилади.
15.5. Бош директор, бош бухгалтер ва уларнинг ўринбосарлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг аниқлиги, тартиби учун жавобгардирлар.
15.6. Жамият молия хужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари талаб қилган холатларда тафтиш комиссияси ёки ташқи аудитор томонидан тасдиқланиши лозим. Ташки аудиторни Иштирокчилар Умумий мажлиси тайинлайди.

## 16-МОДДА. СИР САҚЛАШ

16.1. Жамиятнинг хар бир Иштирокчиси ва ходими томонидан бир бирига бериладиган, жамият фаолиятига боғлик техник, коммерция ва молиявий маълумотлар сир ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчиси ва ходими олинган маълумотларни сир сақлашлари, сирни бошқалар олдида сақлаш чораларини кўришлари шарт.
Маълумотлар Ушбу Устав мақсадига мувофиқ махфий ҳисобланмайди агар:
• маълумот олинган вақтида Иштирокчи – олувчига маълум бўлса;
• Иштирокчи ва Жамият иштирокисиз хаммага маълум бўлган маълумотлар;
• Маълумот Иштирокчига Жамиятга алоқаси бўлмаган учинчи шахс томонидан берилса;
16.2. Маълумотларни учинчи шахсга бериш, нашр эттириш, тарқатиш барча Иштирокчилар розилиги билан амалга оширилади. Ҳар қандай махфий маълумотларни ошкор этиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари, хамда махсус қоида ва талаблар асосида бажарилиши шарт.
16.3. Иштирокчилар махфий маълумотларни чекланмаган муддатга сир сақлашлари зарур, хаттоки Иштирокчи жамият таркибидан чиққан бўлса хам.

## 17-МОДДА. ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

17.1. ЖАМИЯТ ўз фаолиятини тугатади:
17.1.1. ихтиёрий равишда Иштирокчилар умумий мажлиси қарорига асосан;
17.1.2. қонунга асосан суд қарори билан;
17.1.3. ихтиёрий равишда Иштирокчилар умумий мажлиси қарорига асосан Жамиятни қўшиш, бўлиш, ажралиб чиқиш, қайта қуриш йўли билан;
17.1.4. Ушбу Устав ва қонунда кўрсатилган бошқа холатлар асосида;
17.2. Жамият қайта ташкил этиш натижасида ташкил этиладиган юридик шахсларни давлат томонидан рўйхатдлан ўтказиш вақтидан бошлаб бирлашиш шаклида қайта ташкил этишдан ташқари холатларда қайта ташкил этилган ҳисобланади. Унга бошқа жамиятни бирлаштириш шаклида Жамиятни қайта ташкил этишда, Жамият жамиятни бирлаштириш фаолияти тугаганлиги тўғрисида ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган вактдан бошлаб қайта ташкил этилган ҳисобланади. Жамият у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқариб ташланган вақтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

## 18-МОДДА. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

18.1. Жамият агар қонунчиликда назарда тутилмаган бўлса, Жамият фаолиятининг муддати давомида қуйидаги хужжатларни сақлаши керак:
18.1.1. Жамиятнинг таъсис хужжатлари, шунингдек, Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритилган хужжатлар ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўзгартиришлар ва қўшимчалар;
18.1.2. Жамиятни ташкил этиш ва Жамият устав фондидаги пул бўлмаган омонатларнинг бахосини тасдиқлаш тўғрисида қарор, шунингдек, Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бошқа қарорлардан иборат бўлган Жамият Иштирокчилари йиғилишининг баёноти;
18.1.3. Жамиятни давлат томонидан рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи хужжат;
18.1.4. Унинг балансидаги мулкка бўлган Жамиятнинг хуқуқини тасдиқловчи хужжатлар;
18.1.5. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисида низом;
18.1.6. Жамиятнинг облигацияларини чиқариш билан боғлик хужжатлар;
18.1.7. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишлари ва Жамият тафтиш комиссиясининг мажлисларининг баёнотлари;
18.1.8. Жамият тафтиш комиссияси ёки аудиторлик ташкилотининг хулосаси;

18.1.9. Қонунчиликда назарда тутилган бошқа хужжатлар.

18.2. Жамият унинг ижрочи органи жойлашган жойда ёки Жамият Иштирокчилари учун маълум ва қулай бўлган жойда хужжатларни сақлайди.

## 19-МОДДА. ЯКУНИЙ НИЗОМЛАР

19.1. Ўзбек ва рус тиллари Жамиятнинг ишчи тили ҳисобланади. Жамиятнинг барча хужжатлари ўзбек ёки рус тилида тайёрланади. Жамиятни ташкил этиш ва бошқаришга таълуқли бўлган хужжатлар ва Иштирокчилар Йиғилишининг барча баёнотлари ўзбек ёки рус тилларида тайёрланади.

19.2. Мазкур Уставдаги исталган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилади ва барча Иштирокчилар томонидан имзоланади. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар қонуний тартибда рўйхатга олинганидан кейин мазкур Уставнинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

19.3. Жамият фаолиятига таъсир қилувчи қонун хужжати қабул қилинган холатда, Иштирокчилар шундай қонун хужжатларига мувофиқ холда мазкур Уставга ўзгартириш киритиш хуқуқини сақлаб қолади.

19.4. Мазкур Устав ва Таъсис хужжатлар томонидан тартибга солинмаган Жамият фаолиятининг барча бошқа масалалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

19.5. Агар мазкур Уставнинг бирорта моддаси амал қилишдан тўхтаса, бу бошқа моддаларни ва умуман Уставнинг амал қилишига таъсир кўрсатмайди.

***«SAIPRO AXBOROT REYTING AGENTLIGI» МЧЖ***
***Директори Джураев М.Э.***

***«ASKO-VOSTOK» МЧЖ СК***
***Бош директори Халбаев Б.А.***

UCHTEPA TUMAN HOKIMLIGI HUZURIDAGI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARIGA
DAVLAT HIZMATLARI KO'RSATISH
«YAGONA DARCHA MARKAZI»
RO'YXATGA OLINDI
20 16 yil « 27 06 » № 2014 01

RO'YXATGA OLINDI

*«UZREPORT» Ахборот Агентлиги*
*Масъулияти чекланган жамият*
*Таъсисчиларининг 2016 йил 16 июндаги*
*07/06-сонли Баённомаси қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

**1.** «UZREPORT» Ахборот Агентлиги Масъулияти чекланган жамиятнинг (Жамият) Таъсисчилари таркибини ўзгариши муносабати билан Жамият Уставининг 2.2., 5.2. моддалари ўзгартирилиб қуйидаги янги таҳрирда ўқилсин

| Эски таҳрир | Янги таҳрир |
|---|---|
| 2.2. Жамият Таъсисчилари (Иштирокчилари):<br><br>“SAIPRO AXBOROT REYTING AGENTLIGI” Маъсулияти чекланган жамияти — Тошкент шаҳри, Учтепа тумани Хокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш испекцияси томонидан 2010 йил 19 февралдаги №00357301 рақами билан 1-Гулистон кўчаси 29-уй манзили бўйича давлат рўйхатига олинган.<br><br>Маъсулитяи чекланган жамият шаклидаги “ASKO-VOSTOK” суғурта компаняси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 28 декабридаги №534-сонли қарори билан Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Туроб Тўла кўчаси 1-уй манзили бўйича қайта давлат рўйхатига олинган. | 2.2. Жамият Таъсисчилари (Иштирокчилари):<br><br>“SAIPRO AXBOROT REYTING AGENTLIGI” Маъсулияти чекланган жамияти — Тошкент шаҳри, Учтепа тумани Хокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш испекцияси томонидан 2010 йил 19 февралдаги №00357301 рақами билан 1-Гулистон кўчаси 29-уй манзили бўйича давлат рўйхатига олинган. |
| 5.2. Жамият Устав фондининг умумий миқдори иштирокчиларнинг пул ва мулклари ҳисобига қуйидагича ташкил топган:<br>***“SAIPRO AXBOROT REYTING AGENTLIGI” МЧЖ – 70% ёки 700 000 000 (етти юз миллион) сўм.***<br>***“ASKO-VOSTOK” МЧЖ СК – 30% ёки 300 000 000 (уч юз миллион) сўм.*** | 5.2. Жамият Устав фондининг умумий миқдори иштирокчиларнинг пул ва мулклари ҳисобига қуйидагича ташкил топган:<br>***“SAIPRO AXBOROT REYTING AGENTLIGI” МЧЖ – 100% ёки 1 000 000 000 (бир миллиард) сўм.*** |

**2.** Жамият Уставининг бошқа моддалари ўзгаришсиз ўз кучида қолади.